

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВЕТЕРИНАРИЯ ВА  
ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ  
ВЕТЕРИНАРИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ.

**“Қўёнларни парвартишлаш ва уларда учрайдиган  
касалликларга қарши кураш”**

бўйича

## **ТАВСИЯНОМА**



Беларусь - 2011 й.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВЕТЕРИНАРИЯ ВА ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
ДАВЛАТ ҚўМИТАСИ  
ВЕТЕРИНАРИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ.

“МАЪКУЛЛАНДИ”  
Бити директори  
Ф.ф.д. Б.А. Элмуродов  
\_\_\_\_\_ 2021 й.

“ТАСДИҚЛАЙМАН”  
Ўзбекистон Республикаси  
Ветеринария ва чорвачиликни  
ривожлантириш давлат қўмитаси  
раёонида биринчи ўринбосари  
Ш.А. Джаббаров  
\_\_\_\_\_ 2021 й.

Қўёнларни парвартишлаш ва ўларда узрайланган касалликларга  
қарши кураш бўйича

ТАВСИЯНОМА

Самарқанд – 2021 й.

### Самарқанд – 2021 й.

Мақсур тавсиянома кўнчилик фермер хўжалиқларида, аҳоли хонадонларида кўёнларни боқиб ҳамда аёрашга доир тавсиялар келтирилган.

Тавсиянома кўён боқибчи истовчи ҳар бир фермер хўжалиқлари ва аҳоли ичиди кўён боқибчи хохил-истағиди бўлган, кўёнлар зотига қизиқиши бўлган, кўнчилик билан шуғулланиш учун тушунчага эга бўлишни хоҳлаган ва кўнчилик фермер хўжалиқларида қайси зотлар иқтисодий самара беришига қизиққан аҳоли ва фермер хўжалиқлари мутахассислари учун мўлжалланган.

**Муаллифлар:** Б.А.Элмуродов Н.А.Набиева, И.Ю.Султанова О.А.Джўраев:

**Тақрирчилар:** А.Ғ.Ғафуров, И.С. Салимов

*Кўёнларни парваришлари ва уларда учрайдиган касалликларга қарши кураш бўйича "ТАВСИЯНОМА"*

*Ушбу тавсиянома "Кўёнларни парваришлари ва уларда учрайдиган касалликларига қарши кураш" илмий-тадқиқот институтининг 2021 йил "12" майдаги илмий кенгашининг 5 -сонли баённомаси билан тасдиқланган ва чоп этишига тавсия этилган.*

### К И Р И Ш

Чорвачилиқда гўшт, тухум, балик маҳсулотлари билан бирга кўён гўшти етиштириш ижтимоий иқтисодий муаммолар ечимини ҳал қилишда катта ўрин тутади.

Кўнчилик чорвачилиқнинг муҳим ва тез етилувчан тармоғи ҳисобланади. Ҳозирги кунда жаҳонда кўён гўшти ишлаб чиқариш 2 млн тоннани ташкил этиб, жами ишлаб чиқилган кўён гўштининг 70 % Хитой, Италия, Франция ва Испания мамлакатларига тўғри келади.

Ўзбекистон республикасида кўнчилик чорвачилиқнинг бир тармоғи сифатида Республикамизда фақат аҳоли қатламида бўлиб, шахсий чорва фермаларида кўнчилик билан шуғулланувчи фермер хўжалиқлари кўлаймоқда ва ривожланмоқда. Кўнчиликни ривожлантириш катта харажат талаб этмасдан, уларнинг тез етилувчанлиги, серпушлги, жадал ўсиб-ривожланиши, сарф этилган маблагнинг тез қўпайиб кетишига асос бўлади. Чунки кўёнлар йил давомида 5-6 марта 6 тадан 10 тагача кўпайиб бола беради. Умумий битта кўёндан бир йилда 50-60 бош бола олинади. Бундан ташқари бир кўёндан 1 кг гача тивит олинади.

Тиббиёт ва ветеринария ходимлари кўён гўштининг биологик қиймати, юмшоқлиги ҳамда ёғ ва холестерин моддасининг камлиги ҳисобига аллергия, гипертония, ошқозон-ичак меъда, ўт пуфак, жигар касалликларига чалинганларга кўён гўштини истеъмол қилиш тавсия қилинади.

Фермер хўжалиқларида кўнчиликни ташкил этиш ва парваришлари технологиясини жорий этишдан мақсад аҳолини парhez гўшга бўлган талабни қондириш ва аҳоли бандилигини таъминлашдан иборат. Бу долзарб вазифани бажаришда қуйидагиларга эътибор бериш лозим.

1. Аввало тўғри жой танлаш. Яъни кўёш нури тушадиган, табиат кўйида майсазорлардан яйратиб майдонлари ва унга бириктирилган тахтали инлар, илжжи борича зотли кўёнлар ҳар бир бошни алоҳида катакларда сақлаш.
2. Кўёнларни тўлақийматли рационлар асосида боқиб: илдимевалилар, беда ҳаптаги, кўк ўтлар, дуккакли озуқалар.
3. Тўғри озиклантириш: Бир турдаги озуқадан иккинчи турдаги озуқага 5 кун давомида секин ўтказиш. 2,5 - 3 ойлик кўён болаларига силос ва кепак бермаслик.
4. Тўғри парваришлари: она кўёндан соғлом болаларини алоҳида ажратиш ва нимжон резистентлиги паст кўён болаларини она сутти билан тўғдириш.
5. Кўёнлардан юқори сифатли гўшт, тивит ҳамда мўйна маҳсулотларини олиш мақсадида кўёнларга эътиборли, характерига биноан ёндопиш. (ҳечқачон кўён қулогидан ушламанг, елка-курак соҳасидаги терисидан ушлаш лозим).

6. Касалликларга чалинамаслик учун гигиена коңдаларига риоя қилиш ва ҳеч қачон қўнларни қоронғу, намлиги юқори, бетон, хонада сақламаслик, хона ҳарорати 35°C дан пасайиб кетишини олдини олиш, битта хонада кўп бош ва тор катақда қўнларни сақламаслик.

#### Қўён зотлари

Қўёнларнинг 60 дан ортиқ зотлари танлаш ва саралаш асосида чиқарилган бўлиб, махсулдорлигига кўра гўшт, тери, мўйна, ҳамда тивит берадиган зотлари мавжуд. Гўшт ва тери йўналишидаги зотлардан бири Фландрия зотлари улар Россиянинг кенг қисмида жуда кам учрайдиган зотларидан бири бўлиб, улар ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллар бошида олиб келинган. Бу зот турлари 16-18 ойгача узок вақт ўсади ва катта миқдорда гўшт ва тери олиш мумкин, бунга мисол қилиб Француз қўйлари лақабини олган ягона тур ҳисобланади. Тивит берадиган қўён зотларига Ангор, Киров, Катта бўй момиги, Карлик зотлари ва энг кўп момик берувчилардан бири бу Чифекс, Оқ момик зотлари ва бошқалар шулар жумласига қиради. (1-расм) Мўйна йўналишидаги зотларга Шинцелла, Янги Зеландия оқи, Калифорния,

Оқ великан, Кулранг великан ва бошқалари қиради. (2-расм)



Чифекс



Оқ момикли зот



Ангор зотли қўён



Киров зоти

1-расм Тивит йўналишидаги қўён зотлари



катта бўй момик зоти



Карлик зотли қўён

Қўёндан парҳез гўшт, ҳар хил мўйналар, чарм-териси, сифатли майин тивит, ҳар хил консерва махсулотлари, турли ферментлар, туғилган болаларни 2 кунликкача биологаторияларга топириб ҳар хил вакциналар тайёрлаш, қулоқ қафт (сўйишдаги) чқимларидан олий навли елим, қўшхона чикитларидан гўшт-суяк уни, ҳамда гўнг органик ўғит ва бошқа нарсалар етиштириш мумкин.

Гўшт йўналишида қўён болалари 60-70 кунликда яъни 2-2,5 ойлигида, гўшт мўйна йўналишида эса 3-5 ойлигида сўйилади. Ҳар бир она қўёндан йил давомида 5-6 марта 6-8 бошдан то 12 бошгача бола олиш мумкин. Бу дегани 1 она қўёндан йил давомида 30-36 бошдан то 60-72 бош бола олинади. Бу эса 75-90 ва 150-180 кг гўшт ва 30-72 кг сифатли мўйна демакдир. Агар, Француз қўйлари лақабли қўён зотидан бўлса бу янада самарали ҳисобланади. Чунки ҳар бир Француз қўйлари зотидан 10-12 кг гўшт ва катта тери олиш мумкин. Гўшт, мўйнадан ташқари момик олинади. Қўён момиги ингичкалиги, пишқилти, иссиқлик сақлашини инobatта олиб қийим кечак ва бош қийимлари олиш мумкин. 1кг қўён момигидан 25 та бош қийимини тайёрлаш мумкин.



Оқ великан зоти



Кулранг великан зоти



Шинцелла зоти



Вена зангори зоти



Фландр зоти



Кулранг йирик зот



Янги Зеландия зоти



Калифорния зоти



Капалак зоти

К

2-расм мўйна ва гўшт йўналишидаги қўён зотлари.



Француз қўйлари лакабини олган ягона тур қўён зотлари.

Қўёнлар жуда нозик табиатли ҳисобланиб, ҳар қандай ҳолатда ҳам қўённи қўлоғидан кўтариш мумкин эмас. Бу фақат қўенга оғриқли бўлгани учунгина эмас балки қўёнлар диафрагма типда нафас олувчилар турига кириши сабаблидир. Шунинг учун унинг қўлоқларидан қорин бўшлиғи аъзолари диафрагма томон қаттиқ тортилиши оқибатида, қўён ҳаракат қила олмайди ва нафас олишнинг қийинлашуви ҳаттоки бўғилиб ўлим кузатилиши мумкин, колаверса стресс ҳолатлар кўп учрайди.

Қўёнларни сўйишдан олдин туллаш даражасини, семизлик ҳолатини бирма-бир қўл билан силаб кўриш маъқул. Чунки уларда туллаш бошқа хайвонлардан фарқли ҳолда қўпгина омиллардан ташқари, ёшига ва йил мавсумига боғлиқ ҳолда кечади. Йилнинг ҳар хил фаслида тутилган қўён болалари ёшига қараб туллаш даражаси ҳар хил бўлади.

Қўён гўпгида натрий моддаси парранда гўпгига нисбатан 2,7 марта, бузоқ гўшtidан эса 2,4 марта кам. Бу нарса ҳолестерин моддасини камайишига, гўштининг шифобахшлигига сабаб бўлади. Европа мамлакатларида XX аср ўрталарида 1 бош қўён нархи 1 бош ёш чўчки билан тенг бўлган.

Қўёнлардан сифатли тери олиш учун уларни ўз вақтида сўйиш ва терисини сифатли этибор бериш муҳим аҳамиятга эга.

Қўёнларни 3-4 ойлик бўлганда танлаб сўйиш мумкин. Бунда қўённинг туллаш даражаси улар жунини пуфлаб кўриб, терини рангига қараб аниқланади. Бунда туллаш жараёнида алмашинаётган жун ўзаги қисмидаги тери да кўкмигир ранг билинади

Қўён тивити халқ хўжалигида қатта аҳамиятга эга. Тивит асосан тивит йўналишидаги алоҳида зотли қўёнлардан тараб олинади. Ҳар бир қўёндан бир марта таралганда 150-170 г. дан бир йил давомида 5-6 марта тивит олиш мумкин, йил давомида ҳар бир вояга етган қўёндан 450 г. дан 1020 г. гача тивит олинади. Болалари билан ҳисобланганда 1 она қўёндан 1 йилда 2 кг. дан кўпроқ тивит етиштириш мумкин.

**Тери йўналишидаги қўёнлар:** Фақат маълум сифат параметрлари бўйича юқори сифатли териларни олиш учун ўстирилади. Сўйишдан олган гўшт даромаднинг кўшимча маҳсулидир. Баъзи хорижий фермер хўжалиқларида тери йўналиши қўёнлари 2,5 ойлигигача боқилади.

**Гўшт-тери йўналишидаги зотлар:** Гўла тана гўшти билан бирга сифатли мўйна олинади буларга мисол қилиб Фландер ва Француз қўйлари зотини мисол қилиш мумкин. Бундай қўёнларни етиштиришда икки баробар фойда ва даромад олиш имконига эга бўлиш мумкин.

**Гўшт йўналишидаги зотлар:** Бундай қўёнлар фақат гўшти учун етиштирилади уларнинг қатта тана 8-10 кг гача гўштни олишга қаратилган. Мўйнанинг сифати ҳал қилувчи кўрсаткич эмас нисбаттан паст сифат ҳисобланади. 16-18 ой боқиб эвазига терилар сифатли ва жуда қатта ҳажмга эга бўлади. Совет Шиншила зотини мисол қилиш мумкин.

**Бройлер зотлари:** Бу зот қўённинг қорвачилиқдаги таърифи 1983 йилда ўз макомини олган бўлиб бундай ёш ўсиш тирик вазнининг энг қатта ўсиши даврида бўлади. Одатда бройлер зотларининг ўсиш даври туғилишидан 3-3,5 ойлигигача кўтариллади. Мўйналаринг сифати унча юқори эмас лекин Хитой аҳолиси бу зот мўйнасини завқ билан сотиб олишади.

**Декоратив қўёнлар:** Яқинда кўпайтирилган зот бўлиб нисбаттан митти улар минагора учун чиройли қўёнлар ҳисобланади бунга мисол қилиб қалта буй момик зоти ва қарлик зотли қўён мисол бўлади. Улар квартираларда боқилга мослашган момик қўёнчалардир.

**Янги Зеландия оқ зотли қўён:** Қўлоқлари ва думларида қора доғи бор. Улар 3,5 ойгача тез ўсади кейинчалик вазн ортиш сусаяди. Фақат 8 ойлик ёшгача 4,-4,5 кг вазинга эга бўлади.

**Совет шиншила зоти:** Гўшт-тери йўналишига қаратилган бўлиб 4 ойлигида тирик вазни 4,2-4,5 кг га етади. (тана гўшти оғирлиги 2,2-2,4 кг). Урчиш учун қолдирилган ургочилар 6-6,3 кг гача ўсади. Эркаклари нисбаттан кичикроқ 5,8 кг дан ошмайди.

**Куларис великан зоти:** Гўшт йўналишидаги қўёнлар бўлиб жуда қатта аммо нисбаттан секин ўсади. Уч ойлигида 3-3,3 кг гача ўсади. Бу зот 8 ойлигидан кейингина вазини оширади.

**Оқ великан зот:** Бу зот гўшт-терига қаратилган бўлиб жуда тез ўсиб боради, кўрсаткичлар бўйича бу зот Совет шиншиласига мос келади. Лекин нисбаттан тез ўсади ва териси киймати бўйича бозорлир.

**Фландер ва Француз кўйларни зотлари:** 16-18 ойгача ўсади кўп миқдорда 10-12 кг гача гўт ва қатта ҳажмдаги тери олиш мумкин. Қатталиги учун ундан айрилишни хоҳлашмайди. Лекин хозирги кунда бу қамеб зотларни кўпайтириш ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда қатта имкониятга эга ҳисобланади.

**Оқ момикли зот:** Тана массаси кичик аммо қатта миқдорда оқ момик олиш мумкин. Улар момикдан болалар ва қатталар учун кийим-кечак қилинади.

#### **Қўёнларни боқилиш тартиби:**

Қафас тахта пол бўлиши керак. Қафаслар учун қия тахта қилиш лозим уларнинг кенлиги 80 мм дан ошқин тахталардан фойдаланса мақсадга мувофиқ бўлади. 100 мм ва ундан ортиқ кенликдаги азбест-цемент плиталардан қалинлиги 10 мм шифер билан ёпилса ва чизикли замин ясаш ҳам яхши бўлади. Азбест-цемент плиталар парчаланмайди, уларнинг кемиришни ҳам иложи йўқ. Қолаверса ёмғир, қор ҳам салбий таъсир кўрсатма олмайди.

Ҳар бир қўённи гуруҳ эки алоҳида-алоҳида сақлаш мумкин. Уч ойлигача қўён болалари жинсий фаолиятга эга бўлмайди тўрт ойлигидан жинсий етилганда гуруҳли боқилиш тавсия этилмайди.

Қатакнинг бўйи 2 м пойдан томигача бўлган баландлиги 50 см, эни 55 см бўлиб, ҳар иккала қўён учун озуқа солинадиган қисми қатакнинг ўртагина жойлаштирилган оҳури бўлиши керак. Сув солинадиган идишлар ҳар бир қўёнга алоҳида бўлади.

Қўёнларни боқилиш алоҳида яйратиш майдони билан бирга унга беркитилган инлар бўлса мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда яйратиш майдони ер сатҳидан 25-30 м баландликдаги сеткалар билан уралган майдон ва унга беркитилган қафас. Қўёнлар хоҳлаган пайт чиқади бу эса баҳор ойдан то кузгача ишлатилиш мумкин. 10 бош қўёнга мўлжалланган яйратиш майдони тахминан 5 × 5 м бўлиб сетка билан ўралган бўлади. (1-расм) Ёки таги ҳам сетка билан беркитилган тўрт томонида чархлар қўйилиб кўчириб юришга имкон туғдиради бу ўтларни еб бўлган жойдан яна бошқа жойга кўчириш мумкин. (2-расм)



Қафасларга бириктирилган яйратиш майдонлари. (1-расм)



2-расм. Кўчириб юрадиган инлар

Фермер хўжалиқларига қулай бўлган қотеж инлар жуда қулай бўлиб қўлбола тайёрлаш имконияти мавжуд, бунда оддий страпиладан пол 5 см тирқиш билан ҳар бир ин кенлиги 0,5×0,5 м бўлиб баландлиги 80 см га эга бўлади алоҳида она қўёнлар учун туғруқхона ҳам қилинади. Бунда туғруқхона тахта билан тўрт томони ёпилган ва инга чиқиш эшиги бўлади. Чиқиш эшиги 25 см айлана эки тўғри тўрт бурчакли қилиб супаси 10 см ердан баландликда бўлади. Чунки янги туғилган болалари индан чиқиб кетмаслиги учун. Туғруқхонанинг узунлиги 60 см, эни 40-45 см, баландлиги 50-60 см қилиб ясалади. (3-4 расмлар)



3-расм Қўп тармоқли фермалар учун мўлжалланган қатаклар





4-расм Уй шароитида ва она кўёнлар учун мўлжалланган инлар.

#### Кўёнларни календар режа асосида боқиб тартиби.

- 15 декабрь–1 январь урчиштиш учун танланган она кўёнлар қочирилади.
  - 15 январь–1 февраль она кўёнлардан биринчи марта бола олинади.
  - 15 февраль–1 март биринчи марта тутилган кўёнчалар онасидан ажратилади.
  - 15 февраль – 1 март она кўёнлар иккинчи марта қочирилади.
  - 15 март – 1 апрель она кўёнлардан иккинчи марта бола олинади.
  - 15 апрель – 1 май иккинчи марта тутилган кўёнчалар 28 кунлигида онасидан ажратилади.
  - 15 апрель – 1 май кўёнлардан учинчи марта бола олинади.
  - 15 апрель – 1 май она кўёнлар учинчи марта болалагандан 2 кун кейин қочирилади.
  - 15 май – 1 июнь она кўёнлардан тўртинчи марта бола олинади.
  - 15 июнь – 1 июль январда тутилган биринчи авлоддан биринчи марта бола олинади.
  - 1 июль – 15 июль она кўёнлар бешинчи марта қочирилади.
  - 15 июль – 1 август январда туққан она кўёнларнинг боласи сутдан ажратилади.
  - 15 июль – 1 август январда туққан она кўёнчалар иккинчи марта қочирилади.
  - 15 июль – 1 август март-апрель ойида тутилган эркек кўёнлар танлаб сўйилади, ургочилари қочирилади.
  - 15 август – 1 сентябрь апрель-май ойида тутилган учинчи авлод танлаб сўйилади.
  - 1 август – 15 август она кўёнлардан олтинчи марта бола олинади.
  - 15 август – 1 сентябрь биринчи ва иккинчи авлодда тутилган она кўёнлар болалайди.
  - 15 сентябрь – 1 октябрь бешинчи марта тутилган кўёнчалар онасидан ажратилади.
  - 15 сентябрь – 1 октябрь июль-август ойида тутилган она кўёнчаларнинг болалари танлаб сўйилади.
  - 1 октябрь – 15 октябрь иккинчи авлод она кўёнчаларнинг боласи ажратилади.
  - 1 ноябрь – 1 декабрь асосий наслчиликка танлаб олинган кўёнлардан бошқалари сўйилади.
- Хўжаликда кўенчилик режали, илмий маълумотларга асосланиб ривожлантирилса, уларнинг дастлабки болаларидан икки марта бола олиш мумкин. Етиштирилган хар бир кўён ўртача 2,5 кг дан гўшт беради деб ҳисоблана, бир она кўённинг йил давомида болалашин

оқибатида 150 кг соф пархез гўшт олиш мумкинлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Бир бош она кўёндан ўртача бир йилда 60 бошдан ортик кўёнчалар олиш мумкин.

#### Кўён озуқалари

Кўёнлар товуқларга нисбатан дағал озуқа таркибидати клетчаткани яхши ҳазм қила олади. Пичан таркибидати клетчаткани 19-20 %, яшил ўсимликлар барги, қарам, илдиэ мевалиларни 40-60 %, донли экинларнинг пўстлоқларини жумладан, бошқоқли донлар, мойли экинлар проти ва кунжарасини 20-40 %, углеводлар гуруҳига кирувчи азотсиз экстрактив моддаларни (АЭМ) 75-85 %, топинамбур, картошка, лавлагги ҳамда кўк яшил ўтларни 85-90 % ҳазм қилади. Озуқа таркибидати оқелини озуқа турига қараб, пичанни 50-75 %, яшил озуқалардан 60-85 %, илдиэ меваларни 80-85 %, бошқоқли донлар уругини 70-80 %, кепак ва мойли экинлар кунжараларини 75-85 % ҳазм қилади.

Кўёнларни озиклантириш нормалари, тирик оғирлигига, ёшига ва физиологик ҳолатига қараб, озуқа бирлиги граммда, алмашинувчи энергия МЖда белгиланади. Тўрт ойликдан катта кўёнлар учун 12-16 г, кунлик рацион 80 г бўлиши лозим. Бўғоз ва эмизикли кўёнлар, 15-18 ўсувчи ёш кўёнлар, 4 ойлик ёшига қадар 16-17 г бўлиши талаб қилинади. Кўёнларни минерал моддаларга бўлган талаби анча юқори, айниқса эмизикли она кўёнлар ва ёш ўсувчи кўёнларда 1 % кальций ва 0,6-0,7 % фосфор қуруқ моддага нисбатан талаб этилади. Бериладиган озуқалар таркибиди кальций ва фосфор макроэлементларини камлиги инобатга олиниб, суяк уни, гўшт суяк уни, дикальций фосфат, трикальций фосфат ҳамда бентонитли тилмоя минерал қўшимчалари озуқанинг қуруқ моддасига нисбатан 2-2,5 % қўшиб берилади. Бундан ташқари кўёнларни натрий элементга бўлган талабини ёш кўёнларга 0,5 г, ёши катта кўёнларга 1-1,5 г, бўғоз кўёнларга 2 г, эмизикли кўёнларга эса 2,5 г ош тузи рационига қўшиб берилади.

Макроэлементлардан ташқари темир, мис, рух, марганец каби микроэлементлар, шу элементларни тузлар шифатида, ёки премикс ҳолатида озуқа рационига қўшиб берилади.

Қўш даврида асосий витаминлардан ёғда эрийдиган витаминлар А, Д, Е қатта ёшдаги оғирлиги 5 кг бўлган кўёнлар учун кунлик нормаен 500 МЕ витамин Д ва 10 мг витамин Е, каротин витамин А 1,4 мг дан 3 мг гача.

**Кўк озуқалар.** Озуқанинг бу тури асосан баҳорда, ёзда ва куз фаслида берилади. Улар қуйидагилар: кўк беда, маккажўхори, кокиўт, қўйлеҷак, полиэ экинларнинг палаги, сабзавотларнинг барги, дарахтларнинг барги ва новдалари, хомтоқ қилинган тоқ барглари ва ҳоказо.

Кўк беданинг аҳамияти жуда катта бўлиб, у витамин ва протейнга бойдир. Ўзбекистон шароитида кўёнларни кўк озиклар билан 6 ойдан ортиқроқ боқиб имконияти бор.

**Давил озуқалар.** Бу озуқалар асосан киш фаслида бериллади. Арпа, сули, тарик похоти ва бугдой сомоналарини бериш мумкин. Лекин буларнинг тўйимлилиги жуда кам. Қуёнлар учун айниқса, пичан ва Ҳтлок пичани фойдалидир.

**Ширани озуқалар.** Бу гуруҳга илдизмевали ўсимликлар ва силос кириб, уларни пичан ёки ем билан бирга бериллади. Қуёнлар учун саёзи энг яхши озикдир. Қуёнларга силосни оздан бериб, аста-секин ўргатилади.

**Донли озуқалар.** Бу гуруҳга донлар, келак, кунжара ва комбикормлар кирати. Қуёнлар, айниқса сўлини севиб ёйди, лекин сули Ўзбекистон шароитида камроқ ўстирилади. Унинг ўрнига арпа бериш мумкин. Арпани қуёнларга беришдан олдин ёрмо ҳолига келтирилади. Бугдой келати ҳам қуёнлар учун севишли озика бўлиб хизмат қилади. Уни қуёнларга беришда наманган ёки ширани озикларга аралаштирилган ҳолда едрилилади.

Қуёнларга кам миқдорда пахта шротни бериш мумкин, лекин шу нарсани эрдан чикармаслик керакки, шротнинг таркибиде захарли модда госсипол бор. Уни зарарсизлантириш учун бугдлаиб ёки кайнатиб бериш тавсия қилинади.

Комбикормларни қуёнларга алоҳида бермасдан, балки пичан унига, майдаланган хашаки давлагича, пиширилган картошкага ёки силосга қўшиб бериллади.

#### Қуён касалликлари:

##### Вирусли касалликлар

**Юқумли стоматит** (сўлак оқшиш ва ҳўл тумшук касали). Бу касаллик юқумли касаллик каторига кирати. У филтратланган вирус ёрдамиде тарқатади. Касаллик, айниқса, ёш қуёнчалар орасида, яъни 25 кунликдан 23 ойликкача бўлган қуёнчалр орасида кўп учрайди.

Баъзи ҳолларда онасидан ажритилган ҳамма қуёнчалар касалланиши мумкин. Касаллик айниқса, ҳаво ҳарорати кескин ўзгарган вақтларда (ҳавода намлик кўп бўлса, совуқда) кўнади.

Касалликнинг характерли белгилари: касаллик бошланганда қуён оғиз бўшлигининг шиллик қавати қизариб яллиғланади. Кейинчалик тил усти, юкориги лабнинг ички томони юпка оқ парда билан қопланади. Бъзан, у белги ёки йўл шаклида бўлиб, кейинчалик бир-бири билан қўшилиб кетади. Касалликнинг 4-5 кунни оқ парда сарғиш ёки сариқ-кўнгир тусга кирати. Яра кўчиб тушиб, ўрнида яллиғланган жой ҳосил бўлади. Тилининг устида ҳам яралар пайдо бўлади. 2-3 кундан кейин қуённинг оғиз бўшлигиндан сўлак оқа бошлайди. Қуёнлар сўлакни олдинги оёқлари билан артиб тумшуги ва кўкрагини ҳўл қиладилар. Сўлак билан ҳўлланган юнги бир-бирига ёпишиб қолади.

Қуёнчаларда касаллик оғир формада кетганида тез ҳалок бўладилар, энгил шаклида эси 10-12 кунда тузалиб кетади.

Қуёнбоқар юқумли стоматитни механик яллиғлашидан фарқ қила билиши керак. Бъзан тикашли озикларни қуёнга берилганда оғиз бўшлиги механик яллиғланиши мумкин. Натيجида сўлак оқади.

Касал қуёнчаларни даволаш учун калий перманганатнинг  $KMnO_4$  1:1000 ёки фурациллиннинг 1:15000 нисбатдаги эритмаси билан чайилади. Бунинг учун пуркагичнинг учини қуённинг оғиз бўшлигига ён томондан киртилади. Агар унинг оғиз бўшлигига оқд томонидан киртилса, қуёни нафас йўлига сувоқлик ўтиб кетиши мумкин.

Пуркагич сифатида дорихоналарда сотиладиган резина нок ҳам ишлатилиши мумкин. Даволаш ишлари (ҳар кунни 2 мартадан 3-4 кун давомида олиб борилади Яллиғланган жойга оқ стрептоцид кукунини сепилса яхши натижа беради. Миксдоря ҳар бир бошга 0,2 г ҳисобиде 2-3 кун давомида даволаш ишлари олиб борилади.

**Миксоматоз:** Миксоматоз (лот. - Muxomatosis cupiculorum; ингл.-Muxomatosis, Infectious pухoma of rabbits; русча-миксоматоз кроликов) – ўткиркечувчи ўта контагиоз вирус касаллиги бўлиб, сохта конъюнктивит, бош, ташки жинсий аъзолар, анус ва гавданинг бошқа жойлари терисида *илвирасан* шнш пайдо бўлиш билан характерланади

**Қўзагачуевичи.** ДНК сакловчи вирус *Leporipoxvirus* авлодига ва *Rovividae* оиласига мансуб. Морфологик тузилиши буйича вирус чечак вакцина вирусидан фарқ қилмайди. Иммунологик ва антигенлик хусусиятлари буйича қуёнлар фибромаси қўзгачуевичи билан бир хил. Шунинг учун фиброматоз билан касалланиб тузалган қуёнлар миксоматоз билан касалланмайди. Вируснинг антиген тузилиши L, S ва NP антигенлардан иборат бўлиб, охиригиси чечак вируслари билан бир хил *умий* антигенга эга. Антиген организмда ўзига қарши вирусни нейтралловчи ва преципитат ҳосил қилувчи антителоларни шакллантиради.

**Касалликнинг кечини клиник белгилари:** Касалликнинг яширин даври 3-11 кундавом этди. Миксоматоз *ўткир* кечади. Касал қуёнларнинг иккала қўзидан олдин шилликли, кейин йирингли ёш оқади. Айрим ҳолатларда шунча кўп ёш оқадикки, ҳатто кўз тирқишини беркигиб қўяди. Қовоқ, кулоқ сутраеси асоси, ташки жинсий аъзолар ва анус атрофи ҳамда бел ва бошка жойларда *шннлар* пайдо бўлади. Бурун бўшлиқларидан ҳам йирингли сувоқлик ажралади ва улар бурун тешиқлари атрофида қотиб туётлок ҳосил қилади.

**Диагноз.** Клиник белгилар, эпизоотологик маълумотлар, патологоанатомик ўзгаришлар ва албатта лабораториявий текширишлар (биосиноз, ИФА) асосланиб диагноз қўйилади.

**Даволаш.** Касалликнинг бошлангич даврида ампициллин мушкул орасига 1 кг тирик вазнига 1мл калций хлор вена қон томирига 1 кг 2 мл даволаш учун қўлланилади. Касалликнинг охири босқичларида даволаш самарасиз.

**Қарши курашни тадбирлари:** Миксомагоз бўйича соғлом қўенчилик хўжаликларда умумий ветеринария – санитария қоидаларига қатъий амал қилиш, фақат ушбу касаллик бўйича соғлом хўжаликлардан қўен олиш, уларни 30 кунлик профилактик карантинга сақлаш, фермаларни озода сақлаш, ўз вақтида дезинфекция, дератизация, дезинсекция тадбирларини ўтказиш, зоогигиенк меъёрлар даражасида қўенларни парвариш қилиш, тўла қиймагли озуқлантириш ушбу инфекциянинг олдини олишга имкон ярагади. Хавфли ҳудудда дарҳол носоғлом хўжалик, аҳоли пункти билан барча хўжалик алоқалари тўхатилади, ҳашарот ва кемирувчиларга қарши кураш кучайтирилади, фермада қўенлар гуруҳини аришатириш, янги қўенни фермага киргизиш ва фермадан қўен чиқаришга йўл қўйилмайди. Фермадаги ва одамларнинг ҳовлисидаги соғлом қўенлар дарҳол миксомагозга қарши эмланади. Вақцина уни қўлаш бўйича “Йуриқнома” асосида ишлатилади.

**Қўенларнинг геморрагик касаллиги:** Қўенларнинг геморрагик касаллиги (ҚГК, некротик гепатит, геморрагик пневмония, русча - вирусная геморрагическая болезнь) –ўткир кечувчи ўта контагиоз вирус касаллиги бўлиб, барча аъзоларда, айниқса ўпка, жигарда геморрагик диатез ва юқори даражада ўлим билан характерланади.

**Кечилиши ва клиник белгилар:** Касалликнинг яширин даври 2-3 кун давом этади. Қўенлар геморрагик касаллигининг клиник белгилари деярли намоен бўлмайди. Ойдада ташқаридан соғлом қўнган қўенлар оёқларини қокчиб ўладилар. Фақат айрим қўенларда озгина маъослик, анорексия, бурун тешиқларидан қон оқиб кузатилиши мумкин. Айниқса, эпизоотиянинг бошида клиник белгисиз жуда тез ўлим кузатилади. Кейинчалик, қўён гуруҳида иммунитет пайдо бўлиб, касаллик нисбатан узокроқ чўзилади ва ўлим даражаси пасаяди.

**Даволаш:** Даволаш усули яратилмаган. Касал ва касалликка гумон қилинган қўенлар қонсиз усулда ўлдирилади ва қўйдирилади.

**Қарши кураш чоралари:** ҚГК бўйича соғлом қўенчилик хўжаликларда касалликдан муҳофаза тадбирларида, умумий ветеринария-санитария қоидаларига қатъий амал қилиш профилактикада энг муҳим элемент ҳисобланади. Қўенчилик хўжалиқларини ёшқ объект тартибида сақлаш, у ерга қишларни санитария ўтказгичи орқали киришини, автотранспорт учун дезинфекцион ванна ташкил қилиш фақат ушбу касаллик бўйича соғлом хўжаликлардан қўен олиш, уларни 30 кунлик профилактик карантинга сақлаш, ўз вақтида дезинфекция, дератизация, дезинсекция ўтказиш, зоогигиенк меъёрлар даражасида қўенларни парвариш қилиш, тўла қонли озиклантириш ушбу инфекциянинг олдини олишга имкон ярагади.



Юқумли стоматит

Миксомагоз касаллиги

Геморрагик касаллиги

### **Бактериал касалликлар**

**Пастереллез:** Пастереллез (лат., ингл. - Pasteurellosis, русча - геморрагическая септицемия) - контагиоз инфекциян касаллиги бўлиб, кечганда геморрагик септицемия, крупозни пневмония, шеврит ва гавданинг кўпгина жойларида сўгли шпш, ярим ўткир ва сурункали кечганда - ўпкада йирингли некротик пневмония, керато-конъюнктивит, артритлар, геморрагик энтерит билан характерланади.

**Клиник белгилари.** Қўенларда пастереллез эпизоотия бўлиб тарқайди ўткир кечса тана харорати 41-42° С га кўтарилади, лоҳаслик, анорексия, тумов, аксирит, айрим ҳолда диарея кузатилади ва улар ҳолислашиб, 1-2 кунда ўлади. Тўғун соғлом хўжалиқларда эса пастереллез сурункали кечиб, ринит ва конъюктивит белгилари пайдо бўлади. Камдан кам ич кетиши, фибриноз йирингли пневмония ва тери сетида абсцисслар кузатилади.

**Даволаш** Касал хайвонлар алоҳида ажратишиб, Сульфаниламид препаратлардан норсульфазол ва сульфадимезин ҳар бир бош қўёнга 0,2 - 0,3 гр берилди. Ёш қўёнларга ушбу препарат кичик дозада (0,1 – 0,2) берилди. Антибиотик ва сульфаниламид препаратларни қўлаш 3-4 кун давом этди. Антибиотиклардан тетрациклин, биомицин, неомицин каби препаратлар 1 кг тирик вазнига 20 – 25 минг халқаро бирлиги бўйича қўлланилди ва яхши натижа берди, пенистрим-400 ёш қўёнларга 0.5 мл, қатта қўёнларга 1 млдан 3 - кун давомида қўлланилди. Ушбу антибиотик ва сульфаниламид препаратларни 20-40 кунлик ва ундан юқори ёшда бўлган қўёнларга қўлаш тавсия этилади, даволаш 9-10 кун давом этади.

Бундан ташқари ушбу касалликни келиб чиқшини олдини олиш ва бартараф этишда пастереллез касаллигига қарши гипериммун қон зардобни ҳамда ВИТИ да ишлаб чиқарилаётган қўенлар пастереллезига қарши ГОА формол вакцинадан фойдаланиш яхши натижа беради.

Гипериммун қон зардобни касалликни олдини олишда 1 кг тирик вазнига 4 мл, 7 кун оралик билан такроран қўлланилади. Даволашда эса 1 кг тирик вазнига 6 мл юборилади.

Кўёнларнинг пастереллэз касаллигида биринчи клиник белгиларидан бири конъюктивит, бурун шиллик каватининг кизариши ва йирингли эксудатнинг оқishi, бурун апрофларининг ифлосланиши. Патогогонатамик ёриб кўрилганда асосий ўзгариш унинг ўпакасида геморрагик кон куйилишларнинг кузатилиши, трахеядаги эксудатнинг кузатилиши клиник белгиларидан биридир.



Кўёнларнинг пастереллэзи

Ўпкадаги кон куйилишлар Трахеядан эксудатнинг озиб чиқishi

**Сальмонеллэз:** Кўёнлар орасида учрайдиган бактериологик касаллик бўлиб *Salmonella*лар томонидан кўзгатувчан касаллик. Сальмонеллэз касаллиги асосан алиментлар йўл билан юқади, она коринда ўсаётган даврда ҳам юқиши мумкин. Организмга мойил бактерия вирусентлиги ошиб яхши ривожланаётган хайвонлар ҳам чалинади. Кўёнларга сальмонеллэз касаллиги озуқаси ва сув орқали юқади. Бу эса бевосита баъзи хашаротлар ва ёввойи кўшлар орқали кўёнларнинг опқозон – ичакларига етарли миқдорда кўзгатувчи тушишига ёрдамчи сифатида қатнашади. Сальмонеллэз билан кўпинча 3 ойлик кўён болалари ва хомилалар кўёнлар мойил.

**Клиник белгилари:** Касалланган кўенда ҳолоизланиш озуқадан бош тортиш, ич кетиш кузатилиб касалликнинг 2-5 кунларида ўлим кузатилади. Касалликдан тузалган қатта ёшдаги кўёнлар касаллик ташувчи бўлиб хўжаликка қатта зарар етказди. Қатта ёшдаги кўёнларда метрит ва аборт кузатилади. Бу касаллик ўта хвфли бўлиб тез кунда кўёнлар ўлимнинг кўп қисмини оғзайди ва уларнинг ўлишига сабабчи бўлади.

**Даволаши:** Олдинги даволаш усулларига фуразалидон 30 мг 1 кг тана вазнига олдини олинди ҳам ишлатса бўлади. Оғиз орқали 2-3 махал емига кўшиб берса ҳам бўлади. Сальмонеллэзнинг ўткир шакли клиник белгилар 18-25 кун давомида намоён бўлиши ва ундан кейин ўлим кузатилиши мумкин. Бундай ҳолларда 30 кунлик қарантин даволаш чоралари ва витаминотерапия ташкил этилади. Дезинфекция 2,4% натрий гидроксиди, 2,5 % креолин ва формалдегид, 3% хлорамин эритмаси ёки 7 % гипохлорид. Ишлатилади. Даволашга 30 мг/ 1кг фуразалидон 7 кун 2 махал омухта емига аралаштириб берилади. Фуразалидон профилактикага учун ҳам ишлатилади, бунда дозанинг ярми кўлланилади. Бу

билан паралел равишда антибиотиклардан левомецитин ёки биомицитин ёш кўёларга 15 мг/1 кг тирик вазнига, қатталарга 30 мг/ 1кг кўлланилади. Соғломларига профилактикага учун кон зардоб 1 марталик 5-10 мл тери остига кўён болаларига, қатталарига 15-20 мл дан кўлланилади, 5 кундан кейин Сальмонеллэз ва колибактериоз “ касаллигига қарши вакцина кўллаш мумкин. Иммуностимулловчи восита сифатида “Лозева” ишлатиш мумкин.

**Олдини олиш :** Бунда зогитиеник коидаларга риоя қилиш озуқа берадиган сўғорадиган идишларни тозалаб туриш, 2-3 ойда қатақларни хлорнинг 2 % эритмаси билан дезинфекция қилиб туриш лозим.



Сальмонеллэда, офанктордаги Буйракда некротик кон куйилишлар Сальмонеллэз оқибатида бўғозликнинг иккинчи ярида абортнинг кузатилиши.

**Калибактериоз:** Кўён болалари орасида кенг тарқалган бактериологик касаллик бўлиб *Escherichia coli* кўзгатувчиси томонидан чакрилади. Колибактериоз касаллиги асосан ёш кўёнларда учрайдиган касаллик бўлиб, озуқа ва сув орқали юқади. Бу эса нажаси орқали патоген кўзгатувчининг озуқа ёки сувга тушиши оқибатида организмга эндотоксин ажратди ва касалликни келтириб чиқаради. Колибактериоз ҳам сальмонеллэз сингари ипшақадан қолиш, ич кетиш тез орада ориқлаш кузатилади ва 2-8 кун ичида касалланиб ўлади.

**Клиник белгилари:** Бу касаллик барча тур хайвон касаллиги бўлиб кўёнлар болаларининг илк даврининг 20 кунлигидан бошланадиган касаллик бўлиб ич кетиш, холоизланиш, овқатдан бош тортиш кузатилади.

**Даволаши:** Метранидазол таблеткаси клизма ҳамда 30 мл 1 кг тана вазнига ва пенстрип-50 каби препаратлар йўриқномага биноан тавсия этилади.

**Олдини олиш :** Бунда зогитиеник коидаларга риоя қилиш озуқа берадиган, сўғорадиган идишларни тозалаб туриш, 2-3 ойда қатақларни хлорнинг 2 % эритмаси билан дезинфекция қилиб туриш лозим.

Бу касалликлар хозирги кунда аралаш ҳолда кечishi кузатишмоқда *Калисальмонеллэз* касаллиги кўён болаларининг 20 кунлигидан бошлаб то 2,5 ойлигигача булган кўён болаларида кенг тарқалган бўлиб асосан опқозон-ичак бўшлиқларининг яллиғланиши

(септисемия) билан кечади. Қуён болаларида саргитиш-қўқимтир ич кетиш, холсизланиш, овқатдан бош торттиш, ланжлик, ўйқучанлик ҳамда 3-7 кун орасида ўлим билан яқулланидиган касаллик.

**Даволаш.** Энрофлоксацилин препаратини йўриқномага асосан ишлатиш тавсия этилади. Ҳамда қўшимча, омухта емига 10 кг. га 1 г. дан макроприм қўшиб бериш тавсия этилди.

**Олдini олиш.** Зоогигиеник қоидаларига риоя қилиш, суғориш идишларини хафтасида бир маротиба 2 % ли фаол хлорли эритма билан ювиш, моғорлаган, чирган озукаларни чиқариб тапшиш, хонадаги ҳароратни 35°C дан пасайтириб кетишни олдини олиш, тана ҳароратни текшириб туриш, бунда тана ҳарорати 38,5-39,5 гача меъърида сақланиши лозим.

Колібактериоз касаллигида ҳар бир онасини эмганда сарғитиш, ич кетиш, ва патологовнатамик фебриб қўрилганда ширдонда твортосимон сут қолдиқлари билан озуканинг бўлиши ва нуқтали, геморрагик кон қуйилиш биринчи клиник белгилардан биридир



Қолібактериоз касаллигида ич кетиш

ширдондаги кон қуйилишлар



Колисальмонелла касаллигида ичакларда газ тўпланиши  
Колисальмонеллада тўри ичакдаги геморрагик кон қуйилишлар.

### **Инвазион касалликлар.**

**Кокцидиоз:** инвазион касалликлар орасида кенг тарқаркан бу касаллик билан 3-4 ойлик қуёнчалар касалланади касалликни қўзғатувчиси паразитлик билан ичак ва жигарда ҳаёт кечирувчи кокцидийдир. Касаллик билан қуёнлар турли фаслларида касалланиши мумкин.

**Белгилари:** Кокцидиоз билан касалланган қуён ичаги зарарланганда ичи кетади озиб кетади, кейинчалик қуён ахлатида пайдо бўлади. Яхши озукланмайди ёш қуёнчалар озиб кетади юнги хурнада корни осилиб қолади, тана ҳарорати кўтариллади, 15-20 кундан кейин қуён ўлади.

**Касалликни даволаш:** Фуразалидон перепарати 20-25 мг ҳар кг вазнига эрталаб кечкурун ва 6-8 кун давомида бериллади.

**Олдini олиш.** Йоднинг 0,01% суюқтирилган эритмаси ишлатилади анашу эритма билан бўғоз қуёнлар ва янги тўғилган қуёнчалар даволанади.

Эритмани хўжалиқда қуйдигича тайёрлаш мумкин 10 мл 10%ли йоднинг эритмаси 10 л сувга ёки 20 мл 5%ли йод эритмаси 10 л сувга аралаштирилади ва қуёнларга бериллади қуёнларнинг қафаслари тозаланади, дегельминатизация қилинади, касл қуёнлар ажратилиди ва алоҳида жойларда боқилади.

**Фаспиолёз.** Касаллик юккан қуёнларнинг асосан жигари зарарланади. Касалликнинг сабабчиси ясеи чувалчанглар гуруҳига мансуб бўлган жигар қуртдидир. Жигар қуртнинг узунлиги 2-3 см, эни 1-1,5 см бўлиб, барг шаклига ўхшаб кетади.

Ботқоқликда ва сув бўйларида ўсадиган ўсимликлар жигар қуртнинг личинкаси билан зарарланган бўлиши мумкин. Қуён организмига хашак билан кирган личинка унда қон билан айланиб, жигарга боради. Шунингдек, уларни ўт йўлларида ҳам қўшлаб учратиш мумкин. Касаллик белгилари хайвон ҳолатининг ёмонлашувида ва ишгааси йўқолишида кўринади. Қуён жигари ташқаридан ушлаб қўрилса, унинг катталашганини пайкаш мумкин. Касалликнинг организмда кечиши хайвоннинг қай даражада зарарланганлигига боғлиқ.

Қуёнлар жигар қурти касали билан оғриганда углерод тўрт хлорид препаратидан 0,3-0,4 мл дан қуённи ҳар бир кг тирик вазнига ҳисоблаб бериллади (хашак, ем билан). Касалликнинг олдини олиш мақсадида эса қуёнларга богкок суви ва туриб қолган сувларнинг бўйида ўсган кўк озикларни бермаслик керак.

Касалланган қуён сўйилса, гўпгини яхшилаб кайнатиб, кейин ишлатилиши керак. Зарарланган органлари (жигар, ичак) қуйдирилади. Терисини давлатга топириш мумкин.

**Ценуроз:** Бу касаллик маҳаллий аҳоли орасида «айланмачиқ» ёки «гирра» касаллиги деб аталади. Касалликнинг сабабчиси цестодалар гуруҳига мансуб бўлган мултипелс личинкасидир.


Жинсий вояга етган мултипелс личинкалари, иглларнинг ингичка ичагида паразитлик қилиб ҳаёт кечиради. Иглларнинг ахлати билан мултипелс тухумлари ташқарига чиқади, бу

тухумлар кўк озиқ билан қуён организмга тушади. Ичакдан кон томирларга ўтиб, тери ости клетчасига ёки мускул орасига жойлашади. Шу ерда ценуроз пуфакчаси ҳосил қилади. Пуфакча ёнғоқ ёки олма катталигида бўлади. Ана шу пуфакча (шиш)ни қўл билан пайпаслаб бўлиш мумкин.

Ценуроз личинкаси қўлинча кон орқали миёга ҳам бориши ва у ерда тўхтаб шиш ҳосил қилиши мумкин. Ана шу шиш ҳайвонни турган жойида айланшига сабаб бўлади.

Касалликни тарқатилишига ценуроз билан касаланган хайвон ҳам сабабчи бўлиши мумкин. Мизкур касаллик билан ўлган ҳайвонни чуқур жойга қўйиб ташланмаса уни ит, тулки ва бўри истеъмол қилиши оқибатида уларга касаллик юкиб, унинг тухумлари ахлаг билан ташқарига доимо чиқиб туради. Цистотерк тухумлари кўк ўт ва хашаклар орқали чорва моллари ва қуёнларнинг истеъмол қилиши оқибатида юқади.

Касаллик профилактикаси сифатида фермадаги соқчи итлар, қуёнлар, хўжаликдаги хайвонларни режали равишда ҳар йил 4 марта ареколин ёки камыла препаратлари билан дегельминтизация қилинади. Касаллик туфайли ўлган қуён гўшти яхшилаб қайнатилаб, овқатга ишлатиш, терисини қайта ишлаш цехларига топшириш мумкин.



Какцидиоз

Ценуроз касаллигида қуён боп миёси

#### Паразиттар касалликлар.

**Псароптоз:** -қулоқ супраси қўтири. Псароптоз қуёнлар орасида кенг тарқалган касаллик бўлиб, уни тери каналари кўзгатади.

Қўзгатувчиси: Psoroptes cuniculi. Каналар овал шаклида бўлиб катталиги 0,5-0,8 мм. Асосан каналар қулоқ териси усиди.қулоқ ички супраси эпидермасини жароҳатлайди.

**Касаллик белгилари:** Касалликнинг янрин даври 1-5 кун Касаллик кўзгатувчиси билан зарарлангандан сўнг қуёнларнинг териси қичиши натижасида яллиғланиш белгилари кузатилади. Қуёнлар оёғи билан қулогини ҳамда бошини қашиниши натижасида, қулоқ ва бош териси жароҳатланади. Қучли жароҳатланиш натижасида терининг эпидерма қавати кўчиб тушади. Шундан сўнг серрозли ва йирингли яллиғланишни келтириб чиқаради.

**Диагноз:** Псароптоз касаллигига ташхис қўйишда асосан эпизоотологик маълумотлар касаланган хайвонларнинг клиник белгиларига ва лаборатория текширишларга асосланиб қўйилади.

Акрологик тешириш учун қулоқнинг ички супрасини терисидан, петири косачаси ёки буюм ойначасига намуна олиниб унинг устига бир неча томчи вазилон томизлиб, +35-40° С ҳароратга қўйилса, петири косачаси ёки буюм ойначаси устида каналарни кўриш мумкин.

**Даволаш:** Касалликни даволаш учун 40% ли фенаттиозин, 5-10%ли ТАЛ-85, 10% ли никохлорин, 5% ли тексотол препаратларидан бири яхши самара беради.Маҳсус эритмани тайёрлаш учун 1 лит 50-60° С қиздирилган хайвон ёки ўсимлик ёғи олиниб унга 400 гр феногеозин, 3%ли ТАП-85-100 гр.6%ли ТАП -50 гр ёки гексалин-50 гр аралаштириб суртилади.

Аэрозол усулда дикрезина, псорптолода яхши натижа беради. Қулоқ супрасини яллиғланишини даволашда 1,5-2 мл юқордаги ҳар қайси препарат билан 30-35° С қиздирилган ёғ билан сурттиш яхши натижа беради.

Даволаш учун тайёрланган эритмани полиэтиленли флаконларда озги яхши ёпиладиган идишда сақлаш керак.

**Олдinni олиш.**Хўжаликни псорптоздан соғломлаштириш учун дератизация тадбири бир хил шароитда ва шу вақтнинг ўзида юқоридаги препаратлар билан ишлов бериш лозим.

Қўнчилик хўжалиқларини механик тозалангандан сўнг 5 %ли креолин, (80-85° С эмулция) билан ёки 0,03 % ли тексохлорин – креолин эмулцияси билан 400мл/ м<sup>2</sup> га ишлов бериш яхши натижа беради.



Псароптоз касаллиги

Қуёнларнинг бигланиш

**Қуёнларнинг бигланиш:** Қуёнларнинг эктопаразит чақирувчи битларининг узунлиги 2-3 мм кўриниши тўқ қўнғир рангда бўлиб кон сўрувчи турларга қаради.

**Клиник белгилари:** Қуёнларнинг безовталаниши, оёғи билан танани қашиниши, деворлар ва қаттиқ жисмларга ишқаланиши, озги орқали жунини қолиши ва терисини жароҳатланиши билан характерланади.

**Диагноз:** Эпизоотик маълумотларга ва ташқи клиник белгиларига асосланиб қўйилади.

**Даволаш:** Бровермекстин 1% 0,1-0,2 4-5 кг тирик вазинга тери остига, сирка кислотанинг 70 % сидан 25 % ли қилиш учун (1:1,8 нисбатга сув аралашмаси) ва терисига пурқаш тавсия этилади.

**Олдinni олиш чоралари:** Қуёнлар катакларда вақти-вақти билан дератизация тадбирларини ўтқизиб туриш, бунда киш қуёнларда дўст ( ДДТ 1,1,1-трихлор-2,2 дихлорфенилэтан) кукунини сепиш ва перитроит препаратларидан қўлланмасига биноан ишлатилади, ҳамда қуёнлар жунини қўл билан текшириб туриш тавсия этилади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Адилова А., Холматов А. "Фермер хўжалигида қўнчилик" Ўзбекистон қишлоқ хўжалиқ журнали. № 11. 2010 й. 13 б.
2. "Аҳоли томоғка хўжалигида қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш" бўйича қўлланма 2015 й.
3. Ефремов А. П. О технологиях в кролиководстве // Кролиководство и зверо-водство. – 2003. - № 3. – С. 18-19.
4. Ефремов А. П. О технологиях в кролиководстве // Кролиководство и зверо-водство. – 2003. – № 4. – С. 17-20.
5. Калашников А.П., В.И.Фисинин, В.В.Щеглов, Н.И.Клейменов и другие Нормы и рационы кормления сельскохозяйственных животных» Справочное пособие, Москва, 2003 г.
6. Поммытко В.Н., Зусман Н.С. и др. Кролиководство. М. «Колос»-1975 г.
7. Содержание кроликов пушковых пород / Авт.-сост. С. П. Бондаренко. – М.:ООО «Издательство АСТ», Донецк: Сталкер, 2003. – 219 с.
8. Сысов В.С, Александров В.Н – Кролиководство. М-1985 г.
9. С.В.Леонтьев и др. "Болезни кроликов" Москва "Колос"1974 г.
10. Тинаев Н.Н – Продукция кролиководства – М. Колос. 2004 г.
11. Элмуродов Б.А., А.К.Гурдиев, Н.Набиева "Қўнчилик" монография Самарканд-2018. "Зарафшон" нашриёти.
12. Интернет маълумотлар «Диагностика лечение кроликов»

